



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси,  
Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

И.Абдурахмонов

**Ўзбекистон Республикаси Президентнинг ҳузуридаги  
Пахтачилик кенгашининг Тошкент вилояти Қўйичирчиқ туманида  
ўтказилган сайдер йиғилишининг 5.1-сон**

**БАЁНИ**

2023 йил 24 март

Тошкент вилояти, Қўйичирчиқ тумани

**Раислик қилди:** И.Ю. Абдурахмонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси, Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазири

**Катнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув груҳи аъзолари,  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўсимликлар карантини  
ва химояси агентлиги раҳбар ва масъул ходимлари,  
Қўйичирчиқ туманига бириктирилган ишчи груҳ аъзолари,  
Тошкент вилояти ҳокимлиги, “TCT agro cluster” МЧЖ  
мутассаддилари, хусусий уруғчилик корхонаси раҳбарлари,  
вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, илмий  
ташкилотлар раҳбарлари ва илмий ходимлари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ҳиндистонда етиштирилган Fusion BT Gen пахта навини ўрганиш  
юзасидан Ҳиндистон Республикасида хизмат сафарида бўлган  
Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ҳисоботи тўғрисида**

(Абдурахмонов, Касимов, Буриев, Отажонов, Мамараҳимов, Абдурахмонов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги  
ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашига ҳар йили ҳудудларда  
маҳаллий шароитларда юқори ҳосил бераётган навларни таҳлил килиб,  
уларнинг супер элита ва элита уруғларини кўпайтириш бўйича илмий  
ташкилот ва уруғчилик корхонасини белгилаш, ғўза касалликлари

ва ҳашаротларга қарши курашиш бўйича самарадор препаратларни қўллаш юзасидан кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, пахтачилик йўналишидаги илмий-тадқикот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифалар юклатилган.

Мазкур вазифалардан келиб чикиб, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 14-сон қарори билан ташкил этилган “Nath Bio-Genes CA” ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг мурожаатини қаноатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг жорий йил 24 январдаги йиғилишининг 2-сон баёни билан қатор идораларнинг вакилларидан иборат мухокамаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Пахтачилик кенгашининг жорий йил 24 январдаги йиғилишининг 2-сон баёнига мувофиқ Ҳиндишонда етиштирилган Fusion BT Gen пахта навининг гул, шона ва кўсакларини ғажувчи ва шу билан пахта ҳосилдорлигига зиён етказувчи зааркунандаларга чидамли генетик модификация қилинган уруғларини олиб келишда пахта чигитларининг жорий ҳолати, унинг турли касаллик ва зааркунандаларга қарши ишлов берилганлиги, ҳамда пахта етиштирилган ҳудудларнинг фитосанитар хавфсизлиги ҳолатини олим ва мутахассислар томонидан ўрганиш вазифаси белгиланган.

Топшириқ ижроси юзасидан, Геномика ва биоинформатика маркази, Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети хузуридаги Ғўза уруғчилиги маркази, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вакилларидан иборат таркибдаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси жорий йил 3-8 март кунлари Ҳиндишонда хизмат сафарида бўлиб, Ҳиндишоннинг пахта уруғчилигига оид ишларини ўрганиб қайтди.

Хизмат сафари доирасидаги ўрганишларда қўйидаги ишчи груҳ:  
 З.Буриев – Геномика ва биоинформатика маркази директори,  
 Ш.Номозов – Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, Б.Мамарахимов – Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ғўза уруғчилиги маркази” директори, Ш.Отажонов – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи,  
 А.Марупов – Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти лаборатория мудири, Н.Ботирова – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Марказий фитосанитария лабораторияси бош мутахассиси,

Д.Ахмедянов – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Марказий фитосанитария лабораторияси бош мутахассиси қатнашдилар.

Сафар давомида, “Wargal”, “Medchal” тумани, “Haydarobod Nath Biogenes” уруғларни қайта ишлаш ва қадоқлаш заводи, “Somaram”, “Medchai” тумани, “Haydarobod” шоли тадқиқот майдонлари, “Haydarobod” шоли дон сифати лабораторияси, “Nath Biogenes” корпоратив идораси, “Karnool”, “Andhra-Pradesh” пахта даласи, “Ayyalurumetta”, “Nandyal Andhra Pradesh” пахта тозалаш ва туксизлантириш заводлари, “Kottala”, “Mahanadi Mandal”, “Andhra Pradesh” ёзги экилган пахта далалари, “Gumparamandinne”, “Sirvela Mandal”, “Andhra Pradesh” гибрид соргум уруғларини ишлаб чиқариш участкалари, “Aurangabad Nath Gruup” бош офиси, Биотехнология, Генетик трансформация, энтомология каби лабораторияларга ташриф буюрилган, пахта чигитига оид масалалар ўрганилган ва натижаси бўйича ҳисобот тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Пахтачилик кенгашининг жорий йил 24 январдаги йиғилишининг 2-сон баёнига мувофиқ Ҳиндистонда етиштирилган Fusion BT Gen пахта навининг зааркундаларга чидамли генетик модификация қилинган уруғларини олиб келишда пахта чигитларининг жорий ҳолати, унинг турли касаллик ва зааркундаларга қарши ишлов берилганлиги ҳамда пахта етиштирилган ҳудудларнинг фитосанитар хавфсизлиги ҳолатини ишчи гурӯҳ томонидан ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот мақулланган.

Ҳисоботга кўра:

“Karnool”, “Andhra-Pradesh” йиғим-терим якунланган лалми пахта экилган далада кўчат қалинлиги 35-40 минг/га.ни ташкил этиши ва ҳар бир тупда ўртacha 35-40 тадан кўсак борлиги, янги навлари синалаётган 2 та далада ўтказилган мониторинг ишларида навдорлик 100% эканлиги, кўчатлар бир текис ривожланаётганлиги, гуллаш фазаси бошланганлиги, шунингдек, пахтаси терилган далада хар туп ғўзада ўртacha 70-80 тадан кўсаклар шаклланганлиги, шундан териб олинганлари 60-65 тадан ва кўпроқни ташкил этиш ҳолати кузатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси делегацияси Ҳиндистон давлатида ушбу нав экилган майдонларда ва бирламчи уруғлик етиштирилаётган оталик ва оналик кўчатзорлари иштирокчилар томонидан кўрилганда, кўчатзорларда навдорлик даражаси юқориилиги ва ўсимликлар эса касаллик, зааркундалар билан зарарланиш ҳолати кузатилмади.

Ташриф давомида делегация аъзолари томонидан ихтиёрий равишда лалми (суғорилмайдиган) пахта майдонлари кўрилганда гуруҳдаги карантин ва ўсимликларни химоя қилиш мутахасисларига нотаниш бўлган заараркунада яъни парда қанотлилар турига киравчи хашорат билан заарарланганлиги аниқланди.

Кузатилган далаларда Ҳиндистон давлатида мавжуд бўлган пахта күяси заараркунандаси кузатилмади. Амалга оширилган халқаро тадқиқотларга кўра, пахта күясининг биологияси бўйича паст ҳароратда 0 ёки минус ҳароратда пахта күяси личинкаси заараркунандаси умуман ривожланмаслиги бўйича илмий асосланган маълумотлар мавжуд.

Касалликлар бўйича антрокноз касаллиги Ҳиндистон давлатида мавжудлиги бўйича маълумотлар бўлиб, бу касаллик Ўзбекистон учун карантин хисобланди, антракноз касаллиги дала шароитида делегация иштирокчилари томонидан кузатилмади. Антрокноз касаллигининг биологияси бўйича ривожланиб зарар етказиш учун табиий шароитда, ёғин миқдори 1000 миллиметр ва етарли даражада иссиқлик бўлганда ривожланиши аниқланган. Маълумки Ўзбекистонда йиллик ўртacha ёғин миқдори 200 миллиметргача эканлиги касалликнинг ривожланиши учун шароит йўқлигини кўрсатади.

Пахтани қайта ишлаш ва уруғлик чигитларни тайёрлаш жараёни билан танишиш мақсадида уруғлик чигитларни сульфат кислота ёрдамида туксизлантириш заводида бўлиб, амалга ошириладиган ишлар билан танишилди. Кислота билан тозаланган чигитлар очиқ ҳавода маҳсус майдончаларда қуёш нурида қуритилиб, пишиб етилмаган ва шикастланган чигитлар магнит ва механик саралаш машиналарида фракцияларга ажаритилиши, ундан кейин, ишчилар томонидан қўл кучи ёрдамида яна қайта бирма-бир саралаш ишлари олиб борилиши аниқланди. Саралangan чигитлар қанор қолларга жойланиб, Аурангободдаги уруғлик дорилаш цехига юборилади.

Аурангобод шаҳридаги “Nath Gruup” компаниясининг иссиқхоналарда жойлашган эркаклик пуштсизлигига асосланган гетерозисли ғўза дурагайларини етиштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилаётган экинлари мисолида цитоплазматик пуштсизлик ва маркерга асосланган гетерозис дурагайларини етиштириш технологияси билан танишилди.

“Nath Biogenes” компаниясининг қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини саралаш, дорилаш, қадоқлаш, сақлаш ҳамда генбанки жойлашган заводига ташриф буюрилди. Ушбу жойдаги турли экинлар уруғликларини сертификациялаш лабораторияси фаолияти билан ҳам

танишилди. Таҳлил учун масъул ходимлар томонидан уруғлик чигитларнинг учувчанлигини аниқлаш учун 50 донадан 4 такрорда ўтказилиши аниқланди. Шунингдек, Ўзбекистонга юборишга тайёрланган уруғлик чигитлардан карантин обьектларни аниқлаш мақсадида агентлик ходимлари томонидан белгиланган тартибда намуналар олинди ва махсус пакетларга жойлаштирилди.

Шунингдек, "Isarwadi Nath Biogenes" компаниясида уруғларни қайта ишлаш ва қадоқлаш заводи мавжуд бўлиб, унда саралаш ва ишлов бериш ишлари амалга оширилади.

"Isarwadi Nath Biogenes" корхонаси элита уруғлик сақлашга мўлжалланган махсус совук, камерили омборлар ва генбанкка эга. Қадоқлаш омборида "Reliance automation" қурилмаси орқали сифатсиз, тешик, ичи буш уруғлар автоматик равишда сараланади. Бундан ташқари уруғлар кислота билан туксизлантирилиб, заарли организмларга қарши инсектицид ва фунгицид билан ишлов берилади.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Ҳиндистон давлатига бўлган ташрифи юзасидан киритилган ҳисботни эшлиб, чуқур ўрганишлар ва муҳокама натижаларига кўра Пахтачилик кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Ўзбекистан Республикаси делегациясининг Ҳиндистон давлатига амалга оширган ташрифи бўйича ҳисботи ҳамда ҳисбот юзасидан ахборотлари маълумот учун қабул килинсин. Хусусан:**

мониторинг ўтказилган далаларда ривожланаётган ғўза ўсимликлари кўсак қурти, антракноз ва вирусли барг бужмайиши (CLCV) билан заарланмаган;

уруғлик чигитларни туксизлантириш, дорилаш, қуритиш, саралаш, қадоқлаш жараёнлари юқори даражада халқаро андозалар асосида амалга оширилмоқда;

экиш учун сараланиб ва дориланиб тайёрланган уруғлик чигитлар омборхоналарда  $-5^{\circ}\text{C}$  шароитида полиэтилен қолларда стеллажларда белгиланган меъёrlарга мос тарзда сақланмоқда;

"Isarwadi Nath Biogenes" уруғларни қадоқлаш, сақлаш учун совук камералар омборининг фитосанитар ҳолати белгиланган талабларга тўлиқ жавоб беради.

**2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида (янги таҳрири)" Қонунининг (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2018 й., 03/18/484/1483-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; 02.04.2021 й., 03/21/681/0264-сон; Қонунчилик**

маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 11.01.2022 й., 03/22/743/0010) карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш тўғрисидаги 29-моддасида қўйидаги норма белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

карантин остидаги маҳсулотни олиб киришга карантин руҳсатномаси, экспорт қилувчи мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитария сертификати ёки гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

**3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов)га үч күн муддатда илмий мақсадлар учун Ҳиндистондан 5 тонна Fusion BT Gen ғўза дурагайларини яратишда фойдаланиладиган бошланғич ота-она шаклларининг уруғлик чигитини олиб кириш бўйича Пахтачилик кенгashi ва “Nath Bio-Genes CA” ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг ташаббусини маъқуллаш тавсия этилсин.**

**4. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев):**

“Nath Bio-Genes CA” ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг аризасига кўра Ҳиндистондан 5 тонна Fusion BT Gen ғўза дурагайларини яратишда фойдаланиладиган бошланғич ота-она шаклларининг уруғлик чигитини олиб кириш учун карантин руҳсатномасини расмийлаштирсин;

карантин руҳсатномасига асосан Ўзбекистонга олиб келинган уруғлик чигит орқали карантиндаги заарли организмларни Ўзбекистон Республикасига кириб келиш ва тарқалиш эҳтимолларини баратараф этиш мақсадида белгиланган тартибда карантин кўриги таҳлилларини ўtkазиш натижаси асосида амалга оширсин.

**5. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Пахтачилик кенгashi Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти (И.Содиков), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев) билан биргаликда:**

Ҳиндистондан 5 тонна Fusion BT Gen ғўза дурагайларини яратишда фойдаланиладиган бошланғич ота-она шаклларининг олиб кирилиши режалаштирилган чигитларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган заарли организмлардан заарсизлантириш юзасидан Gamma-қурилмасида радиоактив ишлов беришдан ўtkазиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал қиласин;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев) Ҳиндистондан олиб келинган ва Gamma-қурилмасида ишлов берилган чигитларни Карантин агентлигининг Марказий фитосанитария

лабораториясида қайта лаборатория таҳлилидан ўтказиш чораларини кўрсинг;

Геномика ва биоинформатика маркази (Буриев) ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев) республика ҳудудига олиб кирилган уруғлик чигитлар билан заарали организмларнинг кириб келиши ва тарқалиш хавфини олдини олиш мақсадида, ажратиб берилган ер майдонларида махсус питомниклар ташкил қилиш, уруғликларни экиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

6. Мазкур баён топшириқларининг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Пахтачилик кенгаши  
котиби



Ш.Отажонов